

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 65-ҳадис

* وروينا تكبير شهادة: أن لا إله إلا الله، ثلاث مرات في كتاب ابن السني من رواية عثمان بن عفان رضي الله عنه بإسناد ضعيف، قال الشيخ نصر المقدسي: ويقول مع هذه الأذكار: اللهم صل على محمد وعلى آل محمد، ويضم إليه: وسلم.

65/5. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

«Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини уч марта такрорлаш айтилган. Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилганлар.

Шайх Наср ал-Мақдисий: "Ушбу зикрлар билан бирга "Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин ва ʼала оли Муҳаммадин", деб, "васаллама"ни ҳам қўшади", дедилар.

Соҳибларимиз, ушбу зикр ва дуоларни таҳоратдан кейин қиблага юзланган ҳолда айтилади, дейишди.

Фасл: Таҳорат мобайнида ҳар бир аъзо ювилаётганда ўқиладиган дуолар бор, аммо уларнинг бирортаси ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлмаган. Лекин салаф уламоларимиз бу зикрларни айтишни мустаҳаб дейишган.

Таҳорат қилаётган киши бисмиллоҳдан кейин:

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ الْمَاءَ طَهُورًا

«Алҳамду лиллаҳиллазий жаʼалал ма`а тоҳуро» (Сувни пок қилган Аллоҳга

ҳамд бўлсин), дейди.

Оғиз чайқаётганида:

اللَّهُمَّ اسْقِنِي مِنْ حَوْضِ نَبِيِّكَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَأْسًا لَا أَظْمَأُ بَعْدَهُ أَبَدًا

«Аллоҳуммасқиний мин ҳавзи набиййика соллаллоҳу алайҳи васаллама каъсан ла азмау баъдаҳу абада» (Эй Раббим, мени пайғамбарнинг ҳавзидаги сув билан суғор, ундан кейин ҳеч ҳам чанқамайин), дейилади.

Бурун чайқаётганида:

اللَّهُمَّ لَا تَحْرِمْنِي رَائِحَةَ نَعِيمِكَ وَجَنَّتَاتِكَ

«Аллоҳумма ла таҳримний роиҳата наъиймика ва жаннатик» (Эй Раббим, неъматларинг ва жаннатингнинг ҳидидан мени маҳрум қилма), дейилади.

Юзни юваётганида:

اللَّهُمَّ بَيِّضْ وَجْهِي يَوْمَ تَبْيِضُ وُجُوهُ وَتَسْوَدُ وُجُوهُ

«Аллоҳумма баййиз важҳий йавма табйаззу вужухун ва тасвадду вужух» (Эй Раббим, юзлар оқ ва қора бўладиган кунда юзимни оқ қилгин), дейилади.

Икки қўл ювилаётганида:

اللَّهُمَّ أَعْطِنِي كِتَابِي بِيَمِينِي، اللَّهُمَّ لَا تُعْطِنِي كِتَابِي بِشِمَالِي

«Аллоҳумма аътиний китабий бийамийний, Аллоҳумма ла туътиний китабий бишималий» (Эй Раббим, номаи аъмолимни ўнг қўлимдан бер, чап қўлимдан берма), дейилади.

Бошга масҳ тортилаётганида:

اللَّهُمَّ حَرِّمْ شَعْرِي وَبَشْرِي عَلَى النَّارِ وَأَظْلِنِي تَحْتَ عَرْشِكَ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّكَ

«Аллоҳумма ҳаррим шаърий ва башарий ʔалан нари ва азилланий тахта ʔаршика йавма ла зилла илла зиллук» (Эй Раббим, сочимни ва юзимни дўзахга ҳаром қил ва мени соялар бўлмайдиган кунда аршингни остида соялантир), дейилади.

Икки қулоққа масҳ тортилаётганида:

اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنَهُ

«Аллоҳуммажъалний миналлазийна йастамиъунал қовла файаттабиъуна аҳсанаҳ» (Эй Раббим, сўзларни эшитиб, уларнинг яхшисига эргашадиганлардан қил), дейилади.

Икки оёқ ювилаётганида:

اللَّهُمَّ ثَبِّتْ قَدَمَيَّ عَلَى الصِّرَاطِ

«Аллоҳумма саббит қодамайя ʔалас-сирот» (Эй Раббим, сирот кўпригида қадамимни собит қил), деб ўқилади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI